

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВ САЙДИНАБИ САЙДИВАЛИЕВИЧ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДАГИ ИССИҚХОНАЛАРДА  
ЎСТИРИЛАЁТГАН SOLANUM LYCOPERSICUM L. VA CUCUMIS  
SATIVUS ЭКИНЛАРИДА КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИ ЗАМБУРУҒ  
ТУРЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)  
on agricultural sciences**

**Хасанов Сайдинаби Сайдивалиевич**

Тошкент вилояти шароитидаги иссиқхоналарда ўстириляётган *Solanum Lycopersicum* L. ва *Cucumis Sativus* экинларида касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларининг био экологик хусусиятлари ва уларга қарши кураш чоралари ..... 3

**Хасанов Сайдинаби Сайдивалиевич**

Биоэкологические особенности видов грибов, вызывающих болезни на культурах *Solanum Lycopersicum* L. и *Cucumis Sativus* возделываемых в условиях теплиц Ташкентской области и меры борьбы против них ..... 27

**Xasanov Saydinabi Saydivalievich**

Bioecological characteristics of pathogenic fungi species and measures to combat them in *Solanum Lycopersicum* L. and *Cucumis Sativus* crops grown in greenhouses of Tashkent region ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАСАНОВ САЙДИНАБИ САЙДИВАЛИЕВИЧ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДАГИ ИССИҚХОНАЛАРДА  
ЎСТИРИЛАЁТГАН SOLANUM LYCOPERSICUM L. ВА CUCUMIS  
SATIVUS ЭКИНЛАРИДА КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИ ЗАМБУРУҒ  
ТУРЛАРИНИНГ БИО ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Qx167 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович**  
биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Торениязов Елмурат Шериниязович**  
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
**Рамазанова Савия Сулаймоновна**  
биология фанлари доктори, профессор  
**Маннанов Рустам Нигматович**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Сабзавот, полиз экинлари картошкачилик  
илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Э.Т.Бердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раис ўринбосари, к/х.ф.д., профессор

**Я.Х. Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

**Э.Т.Бердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида сабзавотчилик соҳасида бажарилаётган илмий тадқиқот ишларининг ютуқлари ва инновацион усуллар асосида янада ривожлантириш, сабзавот экинларидан сифатли мўл ҳосил етиштириб, инсонларни сабзавот маҳсулотларига бўлган талабларини тўлиқ қондиришга эришиш асосий муаммо ҳисобланади. ФАО маълумотларига кўра, дунё бўйича касаллик ва зараркунандалар келтирадиган зарари натижасида помидор ва бодрингнинг йиллик ҳосилдорлиги ўртача 40 фоизга камаяди, шундан 20-80 фоизгача иссиқхоналар шароитида кузатилади.<sup>1</sup> Дунё миқёсида бугунги кунда помидор ва бодринг экинлари, барча яшил ўсимликлар сингари, ҳар хил гуруҳга кирувчи микроорганизмлар билан зарарланиши ва ушбу касалликларнинг аксариятини замбуруғлар қўзғатиши исботланган жумладан мамлакатимизда қадимдан сабзавот экинлари (помидор ва бодринг) экиб ўстиришга катта аҳамият бериб келинган.

Бугунги кунда дунёнинг етакчи ўринларини эгаллаб келаётган давлатларида помидор ва бодринг ўсимликларини етиштириш, уларнинг касалликларини аниқлаш ва уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари кенг йўлга қўйилган. Помидор ва бодринг ўсимлигининг вегетация даврида кенг тарқалган ва ўта хавфли касалликлари қаторига фитофтороз, сохта ун-шудринг, ун-шудринг, доғланишлар ва чиришлар киради. Помидор ва бодринг ўсимлигида замбуруғлар қўзғатадиган касалликларни, патоген турларининг культурал-морфологик ва биологик хусусиятларини аниқлаш, уларга қарши самарали кураш чораларини яратиш катта амалий аҳамиятга эга.

Республикамизнинг қишлоқ хўжалигида сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида сабзавотчиликда асосий экин ҳисобланган помидор ва бодринг ўсимликларидан иссиқхоналарда юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиялари ишлаб чиқишга эришилди. Бу борада помидор ва бодринг ўсимлигини етиштиришда замбуруғли касалликлар билан зарарланиш даражасини камайтириш ва уларга қарши кураш чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...мева-сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда ўсимликларни турли касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада касаллик ва зараркунандаларга чидамли помидор ва бодринг навларини яратиш, помидор ва бодринг ўсимликларида кенг тарқалган ва соҳани ривожланишига тўсқинлик қилаётган касаллик қўзғатувчи замбуруғларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> [www.fao.org](http://www.fao.org).

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2000 йил 21 августда қабул қилинган 117-11-сон “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги 148-сон “Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПК-1047 сон “Озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” Фармони ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, био-технология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Сабзавотчилик соҳасини янада юксак даражада ривожлантириш улардан экологик соф ва мўл маҳсулот ҳосилини олиш учун ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Fujian agriculture and forestry university (Хитой), Agricultural Sciences academy of Xingjian, China agricultural university (Хитой), National agricultural research institute (Покистон), Indian agricultural research institute (Ҳиндистон)<sup>2</sup> ҳамда Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) ва бошқаларда олиб борилмоқда.

Помидор ва бодринг касалликлари ва уларга қарши кураш чораларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: помидор ва бодринг экинларининг сохта ун шудринг, ун шудринг, фитофтороз, фузариоз ва бошқа касалликларининг тарқалиши аниқланган (Fujian agriculture and forestry university); помидор ва бодринг ўсимликларида замбуруғ турлари ажратилган ва аниқланган (Xingjian academy of Agricultural Sciences, China agricultural university); иссиқхоналар шароитида помидор ва бодринг ўсимликлари касалликларини мониторинг қилиш ва уларнинг кўзгатувчиларини идентификация қилиш усуллари такомиллаштирилган (Indian agricultural research institute); сабзавот

<sup>2</sup> [www.fafu.cn](http://www.fafu.cn); [www.iari.res.in](http://www.iari.res.in); [www.gfar.net](http://www.gfar.net); [www.fao.org](http://www.fao.org).

экинларининг асосий касалликларига қарши курашнинг самарали усул ва воситалари ишлаб чиқилган (National agricultural research center).

Бугунги кунда дунёда соха мутахассислари томонидан помидор ва бодринг ўсимликлари касалликларига қарши қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иссиқхоналарнинг фитосанитар ҳолатини доимий равишда мониторинг қилиш; касаллик кўзғатувчи патоген замбуруғ турларининг био-экологик хусусиятларини аниқлаш; помидор ва бодринг ўсимликларида патоген замбуруғ турларининг тарқалиш омилларини аниқлаш; помидор ва бодринг навларининг асосий касалликларга толерантлигини аниқлаш; касалликларга қарши янги ва самарали фунгицидларни помидор ва бодринг ўсимликларини ҳимоя қилишда қўллаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чоп этилган адабий манбаларни таҳлил қилишимиз натижасида маълум бўлдики, помидор ва бодринг ўсимлиги қадим замонлардан бери деярли ҳамма мамлакатларда экилиб келинган ва аҳоли уни севиб истеъмол қилган. Авваламбор помидор ва бодринг маҳсулотига бўлган талаб йилдан йилга ошиб борганлиги сабабли сабзавотчиликни ривожлантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурлигини вақтнинг ўзи очиқ ойдин кўрсатиб берган.

Кўп сонли олимларнинг бажарган илмий тадқиқот ишлари натижасида помидор ва бодринг ўсимлигининг биологик хусусиятлари, уларни ўстириш технологиялари, селекция ва уруғчилик ишлари бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга янги натижаларга эришилган. Яна шу нарса ҳам маълум бўлдики, помидор ва бодрингдан мўл ва самарали ҳосил олишга тўсқинлик қиладиган омиллардан энг асосийси уларнинг ҳар хил гуруҳ микроорганизмларга мансуб турлар билан касалланишлари исбот қилинган. Помидор ва бодринг экиладиган барча мамлакатларда кенг тарқалган ва ўта хавфли замбуруғли касалликларга фитофтороз, сохта ун-шудринг, ун-шудринг, оқ чириши, қора моғор ва бошқа касалликлар кириши аниқланган (Казакова А.А., Пересыпкин В.С., Пидопличко Н.М., Ульянищев В.И., Black L., Conn K., Gabor B., ўзбек олимларидан Холмуродов Э.А., Авазов С.Э., Марупов А., Хасанов С.С.).

Бундан ташқари генетик селекционерлар зараркунанда ва касалликларга чидамли, ўсиш муҳитига мослашган янги навларни яратишган. Агрономлар помидор ва бодринг ўсимлигини ўстириш ва ривожланиш даврида қўллаш учун янги технологик усулларни жорий қилишган. Фитопатолог олимлар эса касаллик кўзғатувчи микроорганизмларга қарши уйғунлашган кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқишган. Натижада помидор ва бодринг маҳсулотининг ҳосили йилдан-йилга ошиб борган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқотлар режасининг ҚХА-9-141-2015 “Қишлоқ хўжалик экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг илмий

асосланган мажмуавий дастурини яратиш” (2015-2017 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилояти шароитидаги иссиқхоналарда етиштирилётган помидор (*Solanum Lycopersicum* L.) ва бодринг (*Cucumis Sativus*) экинларида энг кўп учрайдиган замбуруғ турлари кўзғатадиган касалликларни аниқлаш ва улар келтирадиган зарарини аниқлаб, уларга қарши самарали кимёвий ва биологик кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг барча туманлари иссиқхоналарида ўстирилаётган помидор (*Solanum Lycopersicum* L.) ва бодринг (*Cucumis Sativus*) экинларида касалликларнинг тарқалиши ва зарарини аниқлаш;

Иссиқхона тупроқлари ва ҳавосидаги замбуруғ турларини ажратиш ва аниқлаш;

Ажратилган замбуруғ турларининг патогенлик хусусиятларини аниқлаш;

Иссиқхоналарда тарқалган помидор ва бодринг касалликларини аниқлаш ва уларга ташҳис қўйиш;

Помидор ва бодрингнинг иссиқхоналарда тарқалган касалликларининг зарарини аниқлаш;

Иссиқхона шароитида помидор ва бодринг ўсимликларида касаллик кўзғатувчи замбуруғ турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш;

Помидор ва бодринг касалликларига қарши тавсия қилинган кураш тадбирларининг биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иссиқхоналар шароитида ўстирилаётган помидорнинг 2011135 Ламия F<sub>1</sub>, 2003024 Бурон F<sub>1</sub>, 2010118 Каролина F<sub>1</sub>, 2008080 Эмпрессио F<sub>1</sub>, 2010090 Венсра F<sub>1</sub>, 201268 Карона F<sub>1</sub> ва маҳаллий 2013095 Ясмина F<sub>1</sub>, 2009076 Бахор F<sub>1</sub> ва бодрингнинг – 2005025 Пасалимо F<sub>1</sub>, 2005023 Магнум F<sub>1</sub>, 2007041 Адхам F<sub>1</sub>, 2007036 Дидим F<sub>1</sub>, 2004015 Мулте Стар F<sub>1</sub>, 2000025 Орзу F<sub>1</sub>, 2003010 Пасандра F<sub>1</sub>, 2008049 Барона, Дарон F<sub>1</sub>, Амар F<sub>1</sub> навлари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иссиқхоналардаги помидор ва бодринг ўсимликларининг асосий касалликлари, уларнинг айрим биологик хусусиятлари ҳамда уларга қарши ўсимликларни химоя қилишнинг биологик ва кимёвий воситалари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқот ишларини бажариш жараёнида микология, фитопатология ва ўсимликларни касалликлардан химоя қилиш соҳасида ишлаган ва ҳозирги кунда ҳам ишлаётган етук олимлар томонидан ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланилди. Жумладан, Н.А.Наумов, М.К.Хохряков, И.А.Дудка, С.П.Вассер, И.А.Элланская ва бошқаларнинг адабиётларида кўрсатилган замбуруғ турлари кўзғатган касалликлар билан касалланган помидор ва бодринг ўсимликларидан гербарий наъмуналарини йиғиш усулидан фойдаланилди. Помидор ва



бодринг ўсимлиги уруғларидан замбуруғ турларини ажратишда ва уларни аниқлаш усулида Н.А.Наумов, А.Я.Семенов, А.П.Абрамова, М.К.Хохряков ва бошқаларнинг маълумотларидан фойдаланилди. Помидор ва бодринг ўсимликларида қайд қилинган касалликларни кўзгатувчи замбуруғ турларини аниқлашда В.Г.Траншель, Н.М.Пидопличко, А.И.Курсанов, В.И.Билай, М.К.Хохряков, Т.А.Добзракова, К.М.Степанов, М.Ф.Летова, М.А.Литвинов ва бошқа олимларнинг аниқлагичларидан, замбуруғ турларининг систематик жойланишларини Saccardo, G.C.Ainswort, D.L.Hawksworth, G.R.Bisby монографиясидан фойдаланилди. Касалликларнинг ривожланиш даражасини Бутуниттифоқ ўсимликларни химоя қилиш институт ходимлари томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмалардан, касалликларнинг келтирган зарарларини И.А.Дудка, С.П.Вассер, И.А.Элланская ва бошқалар, касалликларнинг тарқалиш даражасини аниқлашда А.Е.Чумаков, Т.И.Захарова усулларидан фойдаланилди. Замбуруғ турларининг ўсиш ва ривожланиш жараёнида касалланган ўсимлик тўқималари юқори қисмида ҳосил қилган ўсиш босқичларини, яъни конидий, спора, склероций, мева таналари ва уларнинг ичида ҳосил бўлган спораларининг ўлчамларини окуляр-микромметр ёрдамида аниқлашда Н.В.Попкова ва В.А.Шмиганинг монографиясидан фойдаланилди. Тажрибаларидан олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов усулларидан фойдаланиб ўтказилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ташкент вилоятининг барча иссиқхоналарнинг замбуруғ турларидан зарарланганлик даражасини мониторинг қилиниб аниқланган;

Тошкент вилоятининг фермер хўжаликларидаги иссиқхоналарда етиштирилаётган помидор (*Solanum Lycopersicum* L.) ва бодринг (*Cucumis Sativus*) экинларининг зарарланган органларидан йиғилган гербарий намуналаридан замбуруғ турлари ажратилган ва уларнинг соф намуналари (културалар) тайёрланган;

Тошкент вилояти шароитидаги иссиқхоналарда учрайдиган помидор (*Solanum Lycopersicum* L.) ва бодринг (*Cucumis Sativus*) экинларида касаллик кўзгатувчи замбуруғ турлари аниқланган;

иссиқхона шароитида помидор ва бодринг экинларида учрайдиган фитопатоген хусусиятларга эга бўлган 4 та синф, 8 та тартиб, 12 та оила 25 та туркум ва 30 та тур, 3 та формага мансуб замбуруғ турлари ажратилган;

помидорда 16 та тур, бодрингда 15 та тур, ҳам помидор, ҳам бодринг экинларида 5 та замбуруғ турлари учраши аниқланган;

*Deuteromycetes* синфидан 15 та тур, 2 та форма, *Zygomycetes* синфидан 4 та, *Ascomycetes* синфидан 3 та тур, 1 та форма ва *Oomycetes* синфидан 3 та замбуруғ тури энг кўп тарқалган турлар сифатида ажратилган;

иссиқхона тупроқ чуқурликлари қатламларидан 21 та, иссиқхона ҳавоси таркибида 22 та замбуруғ турлари аниқланган, уларнинг ривожланиш ва тарқалиш қонуниятлари асосланган;

Тошкент вилоятининг иссиқхоналари шароитида помидор ва бодринг экинларининг асосий касалликлари аниқланган ва уларга қарши самарали кураш чоралари ишлаб чиқилган;

Тошкент вилоятининг иссиқхоналари шароитида помидор ва бодринг экинларининг асосий касалликларига қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

помидор ва бодринг навларининг асосий касалликларга толерантлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотлар натижасида Тошкент вилоятининг Қибрай, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Зангиота, Бекобод, Бўка, Охангарон, Паркент, Пискент туманларидаги ўстирилаётган помидор ва бодринг ўсимликларининг асосий касалликлари аниқланди ва уларга қарши самарали кураш чоралари ишлаб чиқилди, жумладан фитофтороз, сохта ун-шудринг, ун-шудринг, доғланиш ва чириш касалликлари билан зарарланган помидор ва бодринг ўсимликларида Превикур SL 722 с.э.к. 1,5 л/га қўлланилиганда 15 кундан сўнг биологик самарадорлик 90,9% ташкил этди, зарарланиш даражаси 20,3% дан 4,2% гача пасайди, касаллик ривожланиши 7,2% дан 0,9% га тушди, Ридомил Голд МЦ 68% с.э.г. 2,5 кг/га меъёрда ишлов берилганда 15 кундан сўнг биологик самарадорлик 91,6% ташкил этди, зарарланиш даражаси 20,3% дан 4,0% гача ва касаллик ривожланиши 7,2% дан 0,7 фоизгача пасайди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ҳар йили лаборатория ва дала тажрибаларининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий-тадқиқотлар ҳисоботлари муҳокама этилганлиги, тақриз қилинганлиги, тадқиқот натижалари математик-статистик таҳлиллардан ўтказилганлиги, олинган илмий натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг инновацион ярмаркаларда ҳамда Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фитопатология соҳасидаги назарий билимларни ҳамда помидор ва бодрингда касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг биологияси ва физиологиясига тегишли маълумотларни янада кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иссиқхоналар шароитида помидор ва бодринг экинларининг вегетация даврида замбуруғлар кўзгатган касалликларни ўрганиш, батафсил таҳлил қилиш ва уларнинг ташхисини тўла тавсифлаб бериш асосида касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларига қарши самарали кураш чораларига асосланиб, ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент вилояти шароитидаги иссиқхоналарда ўстирилаётган *Solanum Lycopersicum* L. ва *Cucumis Sativus* экинларида касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг биоэкологик хусусиятлари ва уларга қарши кураш чоралари бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

помидор ва бодринг ўсимликларининг фитофтороз, ун шудринг, сохта ун шудринг, турли хил доғланишлар ва чириш касалликларига қарши курашда Превикур SL 722 с.э.к. 1,5 л/га, Ридомил Голд МЦ 68% с.э.г. 2,5 кг/га, Максим 2,5% сус.к., Витавакс 200 75% н.кук. фунгицидлари Тошкент вилоятининг Қибрай, Юқори Чирчик, Ўрта Чирчик, Қуйи Чирчик, Зангиота, Бекобод, Бўка, Охангарон, Паркент, Пискент туманларидаги иссиқхоналарда, жами 10 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 02/025–2619–сон маълумотномаси). Натижада қўшимча ҳосилдорлик гектарига 80,0 ц/га ва 84,0 ц/га ни, рентабеллик эса мос равишда 898,0 % ва 854,0 % ташкил этган;

бодринг ўсимлигининг иссиқхоналардаги фузариоз ва илдиз чириш касалликларига қарши Максим 2,5 % сус.к. ва Витавакс 200 75% н.кук. фунгицидлари билан ишлов берилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 02/025–2619–сон маълумотномаси). Натижада қўшимча ҳосилдорлик гектарига 56,0 ц/га ва 46,0 ц/га ни ва рентабеллик эса мос равишда 266,0% ва 323,0% ни ташкил этган;

помидорнинг фитофтороз ва доғланиш касалликларига қарши Превикур SL 722 с.э.к. 1,5 л/га ва Ридомил Голд МЦ 68% с.э.г. 2,5 кг/га сарф меъёрида фунгицидлар жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 02/025–2619–сон маълумотномаси). Натижада ҳосилдорлик 364,4 ва 372,4 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 28580,0 ва 29830,0 минг сўмни ташкил этган.;

бодрингнинг фузариоз ва илдиз чириш касалликларига қарши Максим 2,5 % сус.к. ва Витавакс 200 75% н.кук. фунгицидлар жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 02/025–2619–сон маълумотномаси). Натижада ҳосилдорлик 286.0 ва 276.0 ц/га, иқтисодий самарадорлик гектарига 21420,0 ва 17570,0 минг сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та монография чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Помидор ва бодрингни касалликлардан химоя қилишнинг аҳволи ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи ёзилган бўлиб, унда сабзавотчилик соҳасининг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, кўп қирралилиги, ривожланган хорижий мамлакатлар шароитида сабзавотчилик саноатини ривожлантириш усуллари ишлаб чиқишга оид бажарилган илмий тадқиқот ишларининг тахлили, помидор ва бодринг ўсимлигининг географик тарқалиши, уларнинг қисқача биологик хусусиятлари тахлили, соҳани янада ривожлантиришда уруғчилик ва селекция соҳасининг аҳамияти, мамлакатимиз аҳолисининг помидор ва бодрингга бўлган талабини қондириш, иссиқхоналар шароитида қўлланилган агротехник усуллари такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси иссиқхоналари шароитида помидор ва бодринг ўсимликларидан мўл ва сифатли маҳсулот ҳосилини олиш усуллари ишлаб чиқиш мақсадида бажарилган тадқиқот ишларининг тахлили ва уларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун экинларни зараркунанда ва касалликлардан химоя қилиш йўллари ҳамда усуллари баён этилган ва мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Илмий-тадқиқот ишларини бажариш даврида қўлланилган иш услублари**» деб номланган иккинчи бобида помидор ва бодринг касалликларининг иссиқхоналарда тарқалиши ва ривожланишини ҳисобга олиш, зарарланган ўсимликлар аъзоларидан намуналар олиш (гербарий тайёрлаш) ва лаборатория шароитида уларни микологик таҳлил қилиш, ажратилган замбуруғлар штамmlарини ўстириш учун қўлланилган озуқа муҳитларининг таркиби, ушбу штамmlарнинг морфологик ва микроскопик белгиларини ўрганиш усуллари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Диссертация мавзуси бўйича тадқиқотлар қуйидаги кетма-кетликда бажарилган: касалланган помидор ва бодринг ўсимликлари ва уларнинг аъзоларидан гербарий намуналарини йиғишда ботаника ва фитопатология соҳасидаги усуллардан; замбуруғларнинг соф культураларини олишда М.А. Литвинов; А.И. Дудка, С.П. Васер, И.А. Эланская, Э.З. Коваль усулларидан; помидор ва бодринг уруғларидан замбуруғларни ажратиш ва уларни аниқлашда А.Я. Семенов, А.П. Абрамова, М.К. Хохряков усулларидан ва касалланган помидор ва бодринг тўқималаридаги

замбуруғ турларини аниқлашда В.И. Билай; Т.А. Доброзракова ва бошқ. ҳамда Н.М. Пидопличколарнинг аниқлагичларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Тошкент вилояти иссиқхоналари шароитида ўстириляётган помидор ва бодринг экинларидан ажратилган ва аниқланган замбуруғ турлари, уларнинг систематик жойланиши» деб номланган учинчи бобида Тошкент вилояти шароитида етиштириляётган помидор ва бодринглардан ажратилган ва аниқланган касаллик кўзгатувчи замбуруғ турлари ва уларнинг систематик жойланиши бўйича тадқиқот натижалари батафсил таҳлил қилинган.

#### 1-жадвал

#### Тошкент вилояти иссиқхоналардаги тупроқдан ва ҳаво таркибидан ажратилган ҳамда аниқланган замбуруғ турлари (2001-2019 йиллар давомида)

Синфлар	Тартиблар	Оилалар	Туркумлар	Турлар ва формалар
<i>Oomycetes</i>	<i>Peronosporales</i>	<i>Pythiaceae</i>	<i>Pythium</i>	<i>P.debarianum</i> Hess
-//-	-//-	-//-	<i>Phytophthora</i>	<i>P.infestans</i> debarg
-//-	-//-	<i>Peronosporaceae</i>	<i>Peronospor</i> <i>ora</i>	<i>P.cubensis</i> Berk et.curt
<i>Zygomycetes</i>	<i>Mucorales</i>	<i>Mortierellaceae</i>	<i>Mortierella</i>	<i>Mortierella</i> <i>spp</i>
-//-	-//-	<i>Mucoraceae</i>	<i>Mucor</i>	<i>M.nigricans</i> Ehr
-//-	-//-	-//-	-//-	<i>M.racemosus</i> Fres
-//-	-//-	-//-	<i>Rhizopus</i>	<i>R.nigricans</i> Ehr
<i>Ascomycetes</i>	<i>Erysiphales</i>	<i>Erysiphaceae</i>	<i>Sphaerotheca</i>	<i>S.fuliginea</i> Poll.f.cucumidis Yacz
-//-	<i>Sphaerops</i> <i>Lales</i>	<i>Sphaeropsidaceae</i>	<i>Ascochyta</i>	<i>F.cucumis</i> Fuat.et Baum
-//-	-//-	-//-	<i>Septoria</i>	<i>S.lucoperei</i> Spig
-//-	-//-	<i>Sclerotiaceae</i>	<i>Sclerotinia</i>	<i>S.sclerotium</i> Lib.deby
-//-	<i>Schaeriales</i>	<i>Chaetomiceae</i>	<i>Chaetomium</i>	<i>C.spirale</i> Zopf
<i>Deuteromycetes</i>	<i>Moniliales</i>	<i>Mucedinaceae</i>	<i>Acremonium</i>	<i>A.sclerotigenum</i> ganis
-//-	-//-	-//-	<i>Glocladium</i>	<i>G.roseum</i>

1-жадвал"

				<i>(Liux) Bain</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Aspergillus</i>	<i>A.niger</i> <i>v.Tigh</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Penicillium</i>	<i>H.glaucum</i> <i>Link</i>
<i>Deuteromycetes</i>	<i>Moniliales</i>	<i>Mucedinaceae</i>	<i>Botrytis</i>	<i>B.cinerea</i> <i>Pers</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Cephalosporium</i>	<i>C.acremonium</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Trihoderma</i>	<i>T.lignorum</i> <i>(Tode) Harz</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Trichothecium</i>	<i>T.roseum</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Verticillium</i>	<i>V.clauliae</i> <i>Kleb</i>
-//-	-//-	<i>Dematiaceae</i>	<i>Humicola</i>	<i>H.nigrescens</i> <i>Owvik</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Alternaria</i>	<i>A.Longipes</i> <i>(Ell/et Ev )</i> <i>Wasson</i>
-//-	-//-	-//-	-//-	<i>F.solani Ell et</i> <i>Mart</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Cladosporium</i>	<i>C.fulvum</i> <i>Cook</i>
-//-	-//-	-//-	-//-	<i>C.cucumerium</i> <i>Ell et Arth</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Helminthosporium</i>	<i>H.sativum</i> <i>Pom</i>
-//-	-//-	-//-	<i>Stemphylium</i>	<i>S.botryosum</i> <i>Wall</i>
-//-	<i>Aservulales</i>	<i>Melonconiaceae</i>	<i>Colletotrichum</i>	<i>C.Logenarium</i> <i>Ell et Holst</i>
-//-	-//-	<i>Tubuculariaceae</i>	<i>Fusarium</i>	<i>F.oxysporum</i> <i>(Schl) cmend</i> <i>Thed.et Hans</i>
-//-	-//-	-//-	-//-	<i>F.oxysporum</i> <i>f.lycopersici</i>
-//-	-//-	-//-	-//-	<i>F.oxysporum</i> <i>f.niveum</i> <i>(c.Smith)</i> <i>Bilai</i>
-//-	<i>Myceliales</i>	-//-	<i>Rhizoctonia</i>	<i>R.solani Kuch</i>
Жами: 4	8	12	28	30 та тип, 3 та форма

Лаборатория шароитида миколог ва фитопатолог олимлар ишлаб чиққан ва шу соҳада қабул қилинган усуллардан фойдаланиб уларнинг турлари аниқланган.

Жадвалдаги маълумотларидан кўришиб турибдики, помидор ва бодринг экинларидан 4 та синф, 8 та тартиб, 12 та оила 25 та туркум ва 30 та тур 3 та форма замбуруғ турлари ажратилган ҳамда аниқланган. Улардан помидордан 16 та тур, бодрингдан 15 та тур, 5 та замбуруғ турлари иккала тур ўсимликларда ҳам қайд қилинган.

Яна шу нарса маълум бўлдики, турлар жихатидан энг кўп турлар *Deuteromycetes* синфидан 15 та, 2 та форма, *Zygomycetes* 4 та, *Ascomycetes* 3 та тур, 1 та форма ва *Oomycetes* 3 та тур ажратилган.

Кўп йиллик кузатишларимиз шуни кўрсатдики иссиқхоналар шароитида ўстирилаётган помидор ва бодринг экинларининг 2010118 Каролина F<sub>1</sub>, 2008080 Эмпрессио F<sub>1</sub>, 2005025 Пасалимо F<sub>1</sub>, 2005023 Магнум F<sub>1</sub>, 2007041 Адхам F<sub>1</sub> навларида йилдан йилга *Fusarium*, *Phitophthora*, *Alternaria*, *Clodosporium*, *Penicillium*, *Aspergillus*, *Trihoderma* туркумларининг вакиллари кўпайиб боришлари қайд қилинган.

Диссертациянинг «**Иссиқхоналарда ўсаётган помидор ва бодрингнинг асосий касалликлари**» деб номланган тўртинчи бобида Тошкент вилояти иссиқхоналари шароитида ўстирилаётган помидор ва бодринг ўсимликларининг асосий касалликлари тахлил қилинган. Помидор ўсимлигининг иссиқхоналар шароитида кенг тарқалган альтернариоз, қўнғир доғланиш, куруқ доғланиш, фузариоз сўлиш, кул ранг чириш, илдиз чириш ва фитофтороз касалликлари, бодрингнинг ун шудринг, сохта ун шудринг, аскохитоз, оқ чириш, қўнғир доғланиш, антракноз, фузариоз, илдиз чириш касалликлари ва уларнинг биоэкологик хусусиятлари келтирилган. Ундан ташқари иссиқхоналардаги помидор ва бодринг ўсимликларининг уруғ орқали ўтадиган касалликлари ҳам ўрганилган. Помидор ва бодринг ўсимликларида кенг тарқалган ва катта зарар етказадиган касаллик кўзғатувчи замбуруғ турларининг биологик хусусиятлари, уларни ўсимлик билан ўзаро муносабатлари ўрганилган. Олинган маълумотларни умумлаштириб иссиқхоналарда ўстирилаётган помидор ва бодринг ўсимликларидаги мавжуд касалликларнинг ташқи белгиларига асосланиб, уларни 3 гуруҳга бирлаштирилган.

Некроз ва доғланишлар – помидор ва бодринг ўсимликларининг барглари, гулпоялари ва бошқа касал аъзо тўқималарида кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Некрозлар ҳар хил шаклдаги катта-кичик доғлар (ўсимликларнинг ўлган тўқималари) ҳисобланади. Некрозларнинг тепа қисмида касалликни кўзғатган замбуруғ турларининг биологик хусусиятларига қараб, думалок, тухумсимон чўзинчоқ, учбурчак ёки умуман ҳар хил бурчакли шаклдаги катта-кичиклиги билан фарқ қиладиган доғлар ҳосил бўлади. Уларнинг ранглари касаллик кўзғатган замбуруғ турининг мицелий, конидийбанд ва конидияларининг рангига ўхшаш рангда бўлади.

Ғуборлар – помидор ва бодринг ўсимликларининг барглари, гулпоялари юзасида касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларининг мицелий, конидиофора ва конидияларидан ташкил топган ёстикча турларидир. Улар ҳар хил шаклда бўлиб, аввало майда-майда тарқоқ жойлашган, кейинчалик ўсиш ва ривожланишлари натижасида катталашиб, бир-бири билан қўшилиб, катта ғуборларга айланиб қоладилар. Баъзи турларининг ғуборлари юмшоқ, бўш жойлашган, баъзилари эса зич, бир-бири билан маҳкам жипслашган, қаттиқ, баъзиларининг мицелийси ўсимлик тўқимаси ичида жойлашганлиги сабабли ғуборлари фақат конидийфора ва конидиялардан иборат бўлади.

Чириш – помидор ва бодринг ўсимликларида кенг тарқалган помидор ва бодринга кўп зарар келтирадиган касалликлардан бири ҳисобланади. Чириш касаллигини кўзгатувчи замбуруғ турлари олдин ўсимликнинг помидор ва бодринг бошини юмшатади. Сўнгра уни чирита бошлайди. Касал тўқима бўшашиб, юмшаб қолади ва натижада бўтқага ўхшаб чириб, қўлланса хид чиқаради. Касал кўзгатувчи замбуруғ турига муносиб ўсимлик чириган аъзолари тепасида ҳар хил рангли ғуборлар ҳосил бўлади. Склеротиниоз чиришда – оқ, ботритиозда – кулранг, фузариозда – пушти, кизғиш, альтернариозда – қора, пенициллиозда – яшил ва ҳоказо. Демак, касалланган помидор ва бодринг ўсимлиги аъзолари тепасида ҳосил бўлган касалликларнинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлари хўжайин ўсимлик билан замбуруғ турларининг ўзаро ҳаёт жараёнида ўтказган биологик муносабатларининг самарасидир. Мавжуд касалликлар бир-биридан ташқи кўриниши ва биологик хусусиятлари билан фарқланиши, замбуруғ турларини ўсимликларнинг баргида, гулбандида ҳар хил рангли ва шаклли доғлар ҳосил қилиш сабаблари аниқланиб, уларни бартараф қилиш йўллари асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Помидор ва бодринг ўсимликларининг асосий касалликларига қарши қўлланилган усул ва воситаларнинг биологик самарадорлиги**» деб номланган бешинчи бобида иссиқхоналар шароитида помидор ва бодрингда учрайдиган касалликлар ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари ёритилган. Ўсимлик касалликларига қарши ишлатиладиган барча кураш усулларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: профилактик чоралар (огоҳлантирувчи, олдини олувчи) ва терапевтик чоралар (даволовчи). Ўсимлик касалликларига қарши кураш чораларига комплекс агротехник тадбирлар, кимёвий, биологик ва бошқа кураш усуллари киради. Ушбу усуллар ичида ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилишда кимёвий кураш чоралари энг тезкор ва самарали воситалар бўлиб ҳисобланади. Помидор ва бодринг ўсимликларининг касалликларига қарши қўлланиладиган фунгицидларнинг самарадорлиги тўғрисида маълумотлар камлиги ва янги фунгицидларни замбуруғлар кўзгатадиган касалликларга қарши қўллаш ҳақидаги маълумотлар йўқлиги сабабли айрим фунгицидларни касалликларга қарши қўллаш мумкинлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилган.



**Қўлланилган фунгицидларнинг тавсия этилган меъёрларини  
фитопатоген замбуруғларнинг соф намуналарини (културалар)  
ривожланишига таъсири (ўсишни чеклаш зонаси, мм)**

Фунгицидлар Тест-культура	Акробат МЦ, в.д.г.	Ридомил Голд МЦ в.д.г.	Максим 2.5 % сус.к	Фундазол с.п.	Превикур SL 722 с.э.к	Курзат Р 70% с.п	Квадрис 25% н.кук	Витовакс 200 75 % н.кук	Назорат (сув)
<i>Fusarium solani</i>	2	4	5	4	4	3	2	5	-
<i>Cladosporium herbarum</i>	4	3	5	3	4	3	1	4	-
<i>Alternaria alternata</i>	3	4	5	3	6	4	2	4	-
<i>Botrytis cinerea</i>	4	5	6	5	6	5	2	5	-
<i>Aspergillus niger</i>	3	5	6	3	5	4	2	6	-

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики илмий-тадқиқот ишини бажаришда қуйидаги фитопатоген замбуруғ турлари тест-культура сифатида қўлланилган: *Fusarium oxysporum*, *F.solani*, *Cladosporium herbarum*, *Alternaria alternata*, *Botrytis byssoidea*, *B. cinerea*, *Trichothecium roseum*, *Aspergillus niger*, *Penicillium chrysogenum*, *P. lanosum* ва бошқалар. Олиб борилган тажрибалар асосида энг самарали фунгицидлар Ридомил Голд МЦ в.д.г., Превикур SL 722 с.э.к, Максим 2.5 % сус.к. ҳамда Витовакс 200 75% н.кук. эканлиги исботланган.

Иссиқхоналарда бодринг касалликларига қарши олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бодрингнинг асосий касалликларига қарши биологик препаратлар билан ишлов бериш ҳам касалликларга нисбатан самарали натижа берди. Бодрингнинг фузариоз сўлиш ва илдиз чириш касалликларига қарши *Trichoderma lignorum* штаммлари қўлланилганда №51 чи штамм №7 чи штаммга қараганда фаолроқ бўлди. Уларнинг тарқалиши муваффақ равишда 3,8% ва 4,7% бўлди. Илдиз чириш касаллиги қайд этилмади. Ҳосилдорлик бир м<sup>2</sup> дан 9,17 кг га тенг бўлиб, биологик самарадорлик фузариоз сўлишга нисбатан №51 чи штамм қўлланилганда 81,5%, №7 чи штаммда 77,1% ни ташкил қилди. Назоратда бу кўрсаткичлари, яъни касалликни тарқалиши, фузариоз сўлиш 20,5%, илдиз чириш 11,2% ва ҳосилдорлик 1 м<sup>2</sup> дан 8,14 кг бўлди (3-жадвал).

**Бодрининг фузариоз сўлиш ва илдиз чириш касалликларига  
*Trichoderma lignorum* штаммларининг таъсири (2016-2018 йиллар).**

Тажриба вариантлари	Кўпланган штамм №	Бодринг нави	Препаратнинг сарфлаш меъёри	Ўсимликнинг касалланиши, % хисобида		Ҳосилдорлик, кг/м <sup>2</sup> хисобида	Кўшимча ҳосил, кг/м <sup>2</sup> хисобида	Препаратларнинг биологик самарадорлиги, % хисобида	
				Фузариоз сўлиш	Илдиз чириш			Фузариоз сўлиш	Илдиз чириш
Назорат (ишлов берилмаган ўсимлик)	-	Мультистар	-	20,5	11,2	8,14	-	-	-
<i>Tr. lignorum</i> штаммлари тушроққа солинган	№51	Мультистар	30 г/м <sup>2</sup>	4,3	2,0	9,10	0,96	69,3	81,2
	№7		30 г/ м <sup>2</sup>	5,6	2,7	9,05	0,91	72,7	75,9
<i>Tr. lignorum</i> штаммлари ўсимлик кўчати экиладиган уяга солинган	№51	Мультистар	10 г/бир уяга	-	-	9,20	1,06	100	100
	№7		10 г/бир уяга	-	-	9,20	1,06	100	100
<i>Tr. lignorum</i> штаммлари билан ўсимлик кўчатларининг илдизларига ишлов берилган	№51	Мультистар	2 мл/кўчат	3,8	-	9,17	1,03	81,5	100
	№7		2 л/кўчат	4,7	-	9,17	1,03	77,1	100

**4-жадвал**

**Помидор ўсимлигининг фитофтороз билан касалланишига фунгицидларнинг таъсири**

*(ишлаб чиқариш тажрибаси, 2013-2019 й., Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «АСС Агро» ф/х)*

№	Тажриба вариантлари, фунгицид сарф-меъёри	Сарф меъёрлари, кг/га /л/га	Зарарланиш даражаси, %	Касаллик ривожланиши %	Биологик самарадорлиги %
1.	Назорат, и/б	-	20,1	8,3	-
2.	Ридомил Голд МЦ 68% с.э.г.	2,5 кг/га	5,4	1,9	90,9
3.	Превикур SL 722	1,5 л/га	5,0	1,6	85,3

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фитофтороз касаллиги билан зарарланган помидор ўсимликларида Ридомил Голд МЦ 68% с.э.г. ва Превикур SL 722 с.э.к. билан ишлов берилди. Ридомил Голд МЦ 68% с.э.г.– 2,5 кг/га меъёрда қўлланилганда 15 кундан сўнг биологик самарадорлик 90,9% ташкил этди, зарарланиш даражаси 20,1% дан 5,4% гача пасайди, касаллик ривожланиши 8,3% дан 1,9 % гача тушди. Превикур SL 722 с.э.к. билан ишлов берилганда 1,5 л/га меъёрда қўлланилганда 15 кундан сўнг биологик самарадорлик 85,3% ташкил этди, зарарланиш даражаси 20,1% дан 5,0 % гача пасайди, касаллик ривожланиши 8,3% дан 1,6 % гача тушди.

**5-жадвал**

**Помидор ўсимлигининг фитофтороз билан касалланишига фунгицидларнинг биологик самарадорлиги**

*(ишлаб чиқариш тажрибаси, 2013-2019 й., Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «АСС Агро» ф/х)*

Тажриба вариантлари, фунгицидлар сарф нормалари	Помидор ўсимлигининг фитофтороз касаллигига қарши Ридомил Голд МЦ 68% фунгицидининг биологик самарадорлиги		
	15 кундан к/н и.к.*	30 кундан к/н и.к.	45 кундан к/н и.к.
Ридомил Голд МЦ 68% с.э.г. 2,5 кг/га	90,9	85,1	79,3
Превикур SL 722 1,5 л/га	85,3	81,0	77,1
Назорат, и/б	-	-	-

\* Қисқартма: к/н – кейин; и.к. – ишловдан кейин; и/б – ишлов берилмаган

5-жадвал маълумотларидан маълум бўлдики Ридомил Голд МЦ 68% с.э.г. 2,5 кг/га билан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «АСС Агро» фермер хўжалигида ишлов берганимизда, помидорнинг фитофтороз касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги 15 кун ўтиб 90,9%,

Превикур SL 722 1,5 л/га да эса 85,3% ни кўрсатди. Назорат сифатида оддий сувдан фойдаланилди.

## 6-жадвал

**Помидор ўсимлигининг илдиз чириш билан касалланишига  
фунгицидларнинг биологик самарадорлиги**  
(ишлаб чиқариш тажрибаси, 2013-2019 й., Тошкент вилояти, Тошкент тумани,  
«Yusupov G'ayrat fayz» ф/х)

Тажриба вариантлари, фунгицидлар сарф нормалари	Помидор ўсимлигининг илдиз чириш касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги		
	15 кун к/н и.к. *	30 кун к/н и.к.	45 кун к/н и.к.
Максим 2,5 % сус.к.	90,8	86,5	83,7
Витавакс 200 75% н.кук.	86,4	80,5	76,2

\* Қисқартма: к/н – кейин; и.к. – ишловдан кейин; и/б – ишлов берилмаган

